

“TASDIQLAYMAN”

“O‘ztransgaz” AJ

Boshqaruv raisi v.b.



_____ B. Narmatov

2023-yil “16” fevral

“O‘ztransgaz” aksiyadorlik jamiyati Boshqaruvining kengaytirilgan yig‘ilish bayoni 01-09/07 -son

2023-yil 15-fevral

Toshkent sh.

Raislik qildi: B. Narmatov – “O‘ztransgaz” AJ Boshqaruvi raisi v.b.

Qatnashdi: Boshqaruvi raisining o‘rinbosarlari, departament va bo‘lim boshliqlari (*ro‘yxat bo‘yicha*)

KUN TARTIBI

“O‘ztransgaz” aksiyadorlik jamiyatining 2023-yil I yarim yillik ish rejasi to‘g‘risida

(Narmatov, Yunusov, Ismoilov, ..., Narmatov)

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning muhim ustuvor yo‘nalishlari bo‘yicha belgilangan vazifalarni bajarish, shuningdek respublika iqtisodiyoti va aholisini tabiiy gaz bilan barqaror ta‘minlash, investitsiya loyihalarini hamda “O‘ztransgaz” AJning 2023-yil I yarim yillik ish rejasi ijrosi yuzasidan hisobotlar va ularning natijalari tanqidiy tahlil qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Rayosati Majlisining “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil I yarim yillik ish rejasi to‘g‘risida” 2023-yil 14-fevraldagi 11/60-son bayonida belgilangan vazifalarni amalga oshirish bo‘yicha kechiktirib bo‘lmaydigan choralar va ularning natijadorligi yuzasidan belgilanayotgan vazifalar muhokama qilindi.

2023-yil I yarim yillik uchun belgilangan vazifalarni so‘zsiz bajarilishini ta‘minlash maqsadida **yig‘ilish qaror qiladi:**

1. Joriy yil I yarim yilligida “O‘ztransgaz” AJ va uning tizimidagi tashkilotlarning asosiy vazifalari etib quyidagilar belgilansin:

Yangi O‘zbekistonning 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasini “Insonga e‘tibor va sifatli ta‘lim yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida belgilangan chora-tadbirlarni o‘z vaqtida va sifatli ta‘minlash;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2022-yil 20-dekabrda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasidan kelib chiquvchi vazifalar ijrosini tashkil etish bo‘yicha chora-tadbirlarning tegishli qisimini bajarish;

2023-yil I yarim yillikda Vazirlar Mahkamasi Rayosati majlislarida respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalarini amalga oshirish;

Bosh vazir o‘rinbosarlarining kotibiyatlari bo‘yicha 2023-yil I yarim yillikka mo‘ljallangan ish rejalaridan kelib chiqqan holda chora-tadbirlarni belgilash;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev huzurida o‘tkazilgan yig‘ilishlar bayonnomalarining tegishli topshiriqlarini so‘zsiz va sifatli bajarish;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Qonunchilik hujjatlari ijrosini samarali tashkil etishda davlat boshqaruvi organlari va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari rahbarlarining shaxsiy javobgarligini kuchaytirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2021-yil 10-fevraldagi PF-6166-son farmoni va “Ijro.gov.uz” ijro intizomi idoralararo yagona elektron tizimi samarali faoliyat ko‘rsatishini ta‘minlashga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2021-yil 31-maydagi PO-5132-son qarori talablari ijrosini ta‘minlash;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Vazirliklar, davlat qo‘mitalari, davlat boshqaruvining boshqa organlari va xo‘jalik birlashmalari rahbarlari o‘rinbosarlarining faoliyati samaradorligini baholash tizimini joriy etish to‘g‘risida” 2021-yil 22-iyuldagi PO-5189-son qarori hamda Vazirlar Mahkamasining mazkur qarori ijrosi yuzasidan “Vazirliklar, davlat qo‘mitalari, davlat boshqaruvining boshqa organlari va xo‘jalik birlashmalari rahbarlari o‘rinbosarlarining faoliyati samaradorligini hamda maqsadli vazifalarga erishishlarini baholashning asosiy mezonlarini tasdiqlash to‘g‘risida” 2021-yil 28-iyuldagi 467-son qarorida belgilangan talablarni bajarish;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tabiiy gaz bozorini isloh qilishning qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2022-yil 15-iyundagi PQ–280-son qarorida belgilangan talablarni bajarish;

Vazirlar Mahkamasi Rayosati Majlisining “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil I yarim yillik ish rejasi to‘g‘risida” 2023-yil 14-fevraldagi 11/60-son bayonida keltirilgan topshiriqlar ijrosini ta‘minlash.

2. “O‘ztransgaz” AJning 2023-yil I yarim yillik ish rejasi 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin va ijro uchun qabul qilinsin.

3. Quyidagilarning ijrosi tegishli ilovalarga muvofiq belgilangan muddatlarda bajarilishi bo‘yicha zaruriy choralar ko‘rilsin:

2023-yil I yarim yillikda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Rayosati majlislarida hamda Bosh vaziri huzurida respublikani ijtimoiy-iqtisodiy

rivojlantirishning eng muhim ustuvor vazifalarini amalga oshirishi bo'yicha hisobot materiallari **2 va 2a-ilovalar**;

Yangi O'zbekistonning 2022–2026 yillarga mo'ljallangan taraqqiyot strategiyasini "Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturida va O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2022-yil 20-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasida belgilangan chora-tadbirlarni amalga oshirilishi **3 va 4-ilovalar**;

Vazirlar Mahkamasining yaqin muddatga va uzoq istiqbolga mo'ljallangan harakatlar dasturining tegishli bandlari bajarilishi **5-ilova**;

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari, qarorlari, farmoyishlari hamda Prezident huzurida bo'lib o'tgan yig'ilishlarning bayonlarida ("Ijro.gov.uz" tizimida) belgilangan topshiriqlarning ijrosi **6-ilova**.

4. Boshqaruv raisining o'rinbosarlari, barcha departament, bo'lim, tarkibiy bo'linma va tashkilotlar rahbarlari:

O'ztransgaz" AJning 2023 yil I yarim yillikka mo'ljallangan Ish rejasi talablariga qat'iy rioya etilsin;

bir hafta muddatda – barcha darajadagi tarkibiy bo'linmalarning ish rejalarining puxta ishlab chiqilishi va boshqaruv vertikali bo'yicha tasdiqlanishini ta'minlasin;

doimiy va tizimli asosda – "O'ztransgaz" AJ va uning tizimidagi tashkilotlarda ijro intizomining holati tanqidiy o'rganib chiqilishi ta'minlansin;

mazkur bayonning ilovalarida belgilangan vazifa va topshiriqlar ijrosi yuzasidan tegishli ma'lumotlarni elektron shaklda har oy yakuni bilan Axborot-tahliliy materiallarni jamlash va tayyorlash bo'limiga taqdim qilib borsin;

2023-yil 5-iyulgacha – 2023-yil I yarim yillik ish rejasining bajarilishi to'g'risidagi axborotni va **30-iyungacha 2023-yil II yarim yillik ish rejasi loyihasi yuzasidan takliflar** taqdim etsinlar.

5. Boshqaruv apparati bilan ishlash departamenti boshlig'i M.Normatova ushbu bayonni barcha departament, tarkibiy bo'linma va tashkilotlarga yetkazilishini hamda ijrosi ustidan qat'iy nazorat o'rnatilishini ta'minlasin.

6. Mazkur bayon ijrosini nazorat qilishni o'z zimmasida qoldiraman.


(Normatova)


(Isqonov)

“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2023 йил I ярим йиллик
И Ш Р Е Ж А С И

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
1. Жамиятнинг 2023 йил I ярим йилликда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, Ўзбекистон Ресубликаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари			
1.	Янги Ўзбекистон 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган топширик ва вазифалар ижросини таъминлаш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ижроия аппаратининг департамент, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилда республика ҳудудларига ташрифлари яқунлари бўйича тасдиқланган баённомалар топшириқларини ижросини таъминлаш	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ижроия аппаратининг департамент, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари
3.	2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича ўтказилган йигилиш баённомалари топшириқларини ижросини таъминлаш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ижроия аппаратининг департамент, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари
4.	Энергетика соҳаси корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонидан келиб чиқувчи топшириқлари ижросини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни сўзсиз ва сифатли бажариш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ижроия аппаратининг департамент, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарор топшириқларини сўзсиз ва сифатли таъминлаш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ижроия аппаратининг департамент, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари
6.	Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо ва инвестиция соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича “йўл хариталари” да белгиланган тадбирларни сифатли амалга ошириш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш. Сафаров, ижроия аппаратининг департамент ва бўлим бошлиқлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорига мувофиқ бошқарув раиси ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини(KPI) 2023 йил I ва II чорак яқунлари бўйича пухта таҳлил қилиш ва натижалари бўйича таҳлилий материалларни тайёрлаш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш. Ишмухаммедов, Ж. Раҳмонов.
8.	Республикада аномал об-ҳаво шароитида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш борасида “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлаш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, ижроия аппаратининг департамент, бўлим бошлиқлари ҳамда таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари
2. “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2023 йил I ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича чоралар.			
9.	Республика магистрал газ тармогини модернизация қилиш дастури доирасида “Оқчалок” КС ва “Қўнгирот” КС оралигида диаметри 1220 мм бўлган янги “САЦ-II” магистрал газ қузури қурилишини тугаллаш ва тизимга улаш. Диаметри 1220 мм жами 95 км бўлган “Янгиер-Оҳангарон” магистрал газ қузурининг 30-125 км участкасини қуриш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш. Сафаров, Методология департаменти, Ж. Юсупов, З. Қўшшаев ҳамда тегишли таркибий бўлинма ва ташкилотлар раҳбарлари

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
10.	“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 47 км магистрал газ қувурлардаги нуқсонли қисмларини таъмирлаш, 2 200 км қувур ички сиртини тозалаш, компрессор станцияларидаги 85 та газ ҳайдаш агрегатларини таъмирлаш ишларини олиб бориш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ж.Киргизов, Ш.Сафаров, Ж.Юсупов, З.Қўшшаев, С.Карчагин
11.	2023 йил газ жамлаш мавсумида Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланган баланс кўрсаткичлари бўйича белгиланган ҳажмда табиий газ жамлаш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, С.Карчагин, ГЕОСИ раҳбарлари
12.	Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини рақамлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Е.Зайцев
13.	“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2022 йилги прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таҳлил қилиш ва ҳар ой якуни билан Бошқарув раисига ва Энергетика вазирлигига киритиш (Энергетика вазирлиги Ҳайъати мажлисининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон баёни).	январь- июнь ойларининг 10 санаси	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш.Юсупов, Д.Ҳамидов, А.Ҳонназаров, Ш.Ишмухаммедов, И.Ҳамидов
14.	2023 йилги моддий баланслар кўрсаткичларининг бажарилишини таҳлил қилиш ва ҳар ой якуни билан Бошқарув раисига ва Энергетика вазирлигига киритиш.	январь- июнь ойларининг 10 санаси	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Д.Ҳамидов, А.Ҳонназаров
15.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон фармони талабларини бажариш, шунингдек “Ўзтрансгаз” АЖда Коррупцияга қарши курашиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, С.Мирзамойдинов, таркибий бўлинмалар раҳбарлари
16.	Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” қонунига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни ўз вақтида пухта ва сифатли кўриб чиқиш, шахсий ва сайёр қабулларни натижаларини муҳокама қилиш.	ҳар чоракда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, С.Сиддикжанова, Т.Раҳматов, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
	Ҳар чорак якуни бўйича юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни, шунингдек шахсий ва сайёр қабулларни натижаларини ОАВларда ёритиш.		
17.	Оммавий ахборот воситаларидаги ахборот ва мурожаатларни мунтазам мониторинги, ижроси ва уларга расмий муносабат билдириш ишлари самарадорлигини янада ошириш. Соҳада амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритилишини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар киритиш.	ҳар чоракда	Т. Раҳматов, ижроия аппаратининг департамент ва бўлим бошликлари, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
18.	Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш орқали энергоресурсларини иқтисод қилиш мақсадида, "Ўзтрансгаз" АЖ объектларида: - Қуёш фотоэлектр станцияларини; - Қуёш сув иситиш қурилмаларини (водонагреватель); - Қуёш ианеллари билан жиҳозланган ёритгичларни ўрнатиш.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, С.Юлдашев, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
19.	"Ўзтрансгаз" АЖ бўйича Буюртмачилар кесимида 2023 йилда амалга ошириладиган капитал қурилиш ва капитал таъмирлаш объектлари бўйича манзилли рўйхатларни ўрнатилган тартибда шакллантириш, келишиш ва тасдиқлаш. Объектлар кесимида тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.	январь- февраль	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, З.Қўшшаев, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
20.	Фаргона водийси вилоятларининг газ таъминотини янада яхшилаш учун "Фаргона-Риштон" магистрал газ қувурининг II тармоги қурилишини якунлаш ва ишга тушириш.	июнь	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, З.Қўшшаев, Ж.Юсупов
21.	Андижон вилояти истеъмолчиларни табиий газ билан барқарор таъминлаш учун "Янги Андижон" газ тақсимлаш станцияси ва унга боровчи магистрал газ қувурини қуриш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш.	июнь	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, З.Қўшшаев, Ж.Юсупов, М.Қурбоналиев

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
22.	Ёкилги-энергетика ва кимё тармоклари корхоналарида фаолият юритаётган ёш ишчи-ходимлар орасидан юкори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи “Ёш раҳбар кадрлар захираси”ни шакллантириш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш.Бобоев, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
23.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2023 йил I ярим йилликда 132,2 млн доллар инвестицияларни ўзлаштириш.	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш.Сафаров
24.	Масъул ижрочилар томонидан қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг тўлиқ ва белгиланган муддатларда бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “Ijro.gov.uz” тизими орқали ўз вақтида тақдим қилинишининг таҳлили (<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори</i>).	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, М.Норматова, ижроия аппаратининг департамент ҳамда бўлим бошлиқлари, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
25.	Масъул ижрочилар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотларни “me-ijro.uz” тизимига ўз вақтида киритилишининг таҳлили (<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги УРҚ-445-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон Фармони</i>).	I ярим йилликда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, С.Сиддикжанова, ижроия аппаратининг департамент ҳамда бўлим бошлиқлари, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
26.	Вазирлар Маҳкамасининг “Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, етказиб бериш ҳамда истеъмолчиларга реализация қилишда ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш (<i>Вазирлар Маҳкамасида 2022 йил 28 августда ўтказилган йиғилишининг 207-сон баёнининг 8-банди</i>).	февраль	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Методология департаменти, Ш.Юсупов, Ш.Ишмухамедов, Х.Махмудов, ижроия аппаратининг департамент ҳамда бўлим бошлиқлари, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини мақсадли ўрганиш			
27.	Иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришда “Ўзтрансгаз” АЖ ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулияти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ-220-сон Фармони).	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Методология департаменти, Ж.Юсупов, Р.Мамуков, С.Юлдашев, таркибий бўлинма ва ташкилот раҳбарлари
28.	“2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон Қарорининг 3-илоvasи 33.2-бандида Тезкор диспетчерлик ҳисобини юритиш автоматлаштирилган тизимни жорий этиш бўйича лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (конкурс) савдоларини ўтказиш.	апрель	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ж.Киргизов, Е.Зайцев
29.	“2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сон Қарорининг 3-илоvasи 34.2-бандида Энергия ресурслари ва технологик жараёнларнинг ҳисобини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимни жорий этиш бўйича лойиҳа ижрочиларини аниқлаш бўйича тендер (конкурс) савдоларини ўтказиш.	апрель	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ж.Киргизов, Е.Зайцев, В.Цой
30.	“Мис ва ноёб металллар хомашёсини қайта ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 июндаги ПҚ-295-сон Қарорининг 8.3-бандида Технопарк ҳудудига юқори босимли табиий газ таъминоти тармогини тортиб келиш учун Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	май	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, М.Қурбоналиев, Ж.Юсупов

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
31.	Ўзбекистон Республикасининг “2023–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон Қарорининг 6.г.3-бандида 2023 йил 1 июнга қадар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ мақсадли кўрсаткичлар асосида келгуси уч йиллик давр учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш параметрларини аниқлаштириш ҳамда янгилашга доир асосланган тақлифлар киритилишини таъминлаш юзасидан шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.	май	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш.Сафаров
32.	Ўзбекистон Республикасининг “2023–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон Қарорининг 6.г.2-бандида Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағлар самарали ўзлаштирилиши, қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари белгиланган муддатларда ишга туширилиши; мазкур қарорнинг 8 ва 9-иловаларига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари белгиланган муддатларда сифатли ишлаб чиқилиши, келишилиши, тасдиқланиши, экспертизадан ўтказилиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда ташкилотлар билан зарур шартномалар тузиш масалалари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши юзасидан шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.	июнь	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ш.Сафаров
33.	“2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон Қарорининг 3.1-бандида Мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган тармоқ ташкилотлари Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг 2023–2026 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ҳар йили ишлаб чиқиладиган “йўл хариталари” асосида ўз маблағлари ҳисобидан илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этсин.	июнь	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Ж.Киргизов, Қ.Мамадалиев

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
34.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилги-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 13 февралдаги ПҚ-54-сон қарорининг 6.б-банди бўйича ҳар ойда электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламалари ва созлигини текшириб бориб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин. Бунда, Ўзэнергоинспекция ҳар ойда Бош прокурор ўринбосари ва энергетика вазирига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот киритиб борсин.	март	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, В.Цой, Е.Зайцев
35.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилги-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 13 февралдаги ПҚ-54-сон қарорининг 10.1-банди бўйича “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ Солиқ кўмитаси билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар ёқилги-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, инсон омилисиз қайта ҳисоб-китоб қилиш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва Солиқ кўмитаси базасида параллел равишда ҳисобга олишни назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.	май	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, В.Цой, Е.Зайцев, Ш.Юсупов
36.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилги-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 13 февралдаги ПҚ-54-сон қарорининг 10.2-банди бўйича “Ўзтрансгаз” АЖ, “Худудий электр тармоқлари” АЖ, “Худудгазтаъминот” АЖ, “UzGazTrade” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мазкур дастурий таъминотни ишлаб чиқишда истеъмолчилар базасини шакллантириш ҳамда биллинг тизимлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖга барча бирламчи маълумотларни тақдим этсин ва биллинг тизимлари билан боғланишга руҳсат берилсин.	май	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, В.Цой, Е.Зайцев, Ш.Юсупов

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар
37.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сон қарорининг 10-10.1-иловаларига мувофик 2023 йилда республикадаги йирик саноат корхоналарида ёқилги-энергия ресурсларини тежашнинг режа кўрсаткичлари ва амалий чора-тадбирлар режасига асосан кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик раҳбарлар зиммасига юклатилсин.	2023 йилда	Бошқарув раисининг ўринбосарлари, С.Юлдашев, Ж.Юсупов, С.Карчагин